


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 185 (10.490) / 2005 ЙИЛ 19 СЕНТЯБРЬ



## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

### Кўрақ

#### ● БУГУН "Камолот" ЁИХ

Бектемир тумани бўлими кенгаши томонидан 289-, 290-, 291-, 292-, 293-мактабларда "Камолот" ва "Камалак" сардорларига кўкрак нишонларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

#### ● БУГУН "Камолот"

ЁИХ Ҳамза тумани бўлими Кенгаши томонидан тумандаги барча умумтаълим мактабларидаги ўқувчиларга "Камолот" ва "Камалак" кўкрак нишонлари топширилди.

#### ● ЎТГАН кунни Сергели

тумани ҳокимлигида туман хотин-қизлар кўмитаси, "Маънавият ва маърифат" маркази туман бўлими ҳамкорлигида "Аёл ва саломатлик" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

#### ● ЎТГАН кунни "Маънавият

ва маърифат" маркази Чилонзор тумани бўлими томонидан "Дента-сервис" масъулияти чекланган жамиятида "Аёл ва ҳуқуқ" мавзусида тадбир ташкил этилди.

#### ● ЎЗБЕКИСТОН

Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида корейс мусаввирлари томонидан ишланган асарлар кўргазмаси очилди.

#### ● РЕСПУБЛИКА

Таълим марказида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ўқитишда интерфаол услублардан фойдаланиш ва коммуникация кўникмаларини шакллантиришга бағишланган семинар-машғулот ўтказилди.

#### ● "АЁЛ ва саломатлик"

мавзусида ўтказилган анжуман Миробод туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилди.

#### ● "ЭКОСАН"

ҳалқаро ташкилоти томонидан "Қорасарой" маҳалласида "Менинг маҳаллам" мавзусида тадбир ташкил этилди.

#### Тошкент шаҳар

ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

"Шайхонтоҳур-текстиль" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотларининг 90 фоизидан зиёди хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

**СУРАТДА:** рақобатбардош маҳсулотларни тайёрлашда моҳир чеварлар — уста Барно Саидмухамедова ва тикувчи Наргиза Содикованинг муносиб ҳиссалари бор.

Ҳақимжон Солихов олган сурат.



## XVI Саҳоси

Барча малбалардан олинган сўғит хабарлар

### Мамлакатимизда

● Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан Маданият ва спорт ишлари ҳамда Халқ таълими вазирликлари иштирокида "Ўзбекистон спортини ривожлантиришни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

● Утган кунни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессияси ҳамда мажлиси бўлиб ўтди.

● Бугун Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида "Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги — UzinfoCom-2005" доирасида учинчи Миллий саммит бошланди.

● Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, "Ўзмиллийбанк", "Ўзбекнефтегаз", "Ўзбектелеком" компаниялари ва республиканинг бошқа ташкилотлари Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг илк битирувчиларини ишга олиш истагини билдирди.

● Фарғона вилояти пахтаини қайта ишлаш корхоналари янги ҳосилни қабул қилиш ва уни қайта ишлашни бошлаб юборди.

● Янгийўл тумани, Шўралисой қишлоқ фуқаролари йигини "Иттифок" маҳалласидаги 33-умумтаълим мактаби капитал таъмирдан чиқарилиди. "Ишон" хусусий фирмаси қурувчилари саъй-ҳаракатлари билан бу ерда қўшимча иккита бино қурилади, янги спорт зали барпо этилди.

● Марҳамат тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиги касб-ҳўнар коллежида "Репродуктив саломатлик асослари" мавзусида семинар ўтказилди.

### Жаҳонда

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти келажак тўғрисидаги декларациянинг имзоланиши билан БМТ Бош ассамблеясининг олтинчи сессияси ўз ишини якунлади.

● Япония, Бразилия, Германия ва Ҳиндистондан ташкил топган "Катта тўртлик" БМТ Хавфсизлик кенгашини ислоҳ қилишнинг янги режасини ишлаб чиқилди.

● Эрон ўз ядро дастури устидаги ишларини амалга ошириш мақсадида бошқа мамлакатлар билан қўшма корхоналар тузишга тайёр эканлигини билдирди.

● Ингушетия Республикасидаги Малгобек шаҳри яқинида бир тоннага яқин портловчи воситалар сақланаётган омбор топилди.

● Янги Зеландия полицияси Тауранг шаҳридаги меҳмонхонага қириб олиб, ўзини ўзи портлатиш билан таҳдид солган шахсни қўлга олди. Қўлида бир неча бомба бўлган ушбу шахс Словакия фуқароси бўлиб, Янги Зеландияга виза тизимидаги қиринчи ўзгаришлардан норозилигини шу йўл билан намойиш этган.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОЛИҚ КОДЕКСИГА ХАМДА "ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТИОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонуңчилик палатаси томонидан 2005 йил 8 июлда қабул қилинган Сенат томонидан 2005 йил 27 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396-1-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, №9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда; №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №5, 89-модда, №9-10, 182-модда, 2002 йил, №1, 20-модда, №4-5, 74-модда, №9, 165-модда, 2003 йил №1, 8-модда; №5, 67-модда, №9-10, 149-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда, №5, 90-модда, №9, 171-модда; 2005 йил, №1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №5, 152-модда) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

#### 1) 19-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

"чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикасининг кафолатсиз жалб этиладиган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоиз тўловлари суммалари";

**тўртинчи-ўн тўққизинчи хатбоши**ларни тегишична **бешинчи-йигирманчи хатбоши**лар деб ҳисоблансин;

2) **6-боб** қуйидаги мазмундаги **27<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

"**27<sup>1</sup>-модда.** Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг асосий фаолиятдан кўрадиган зарарларини тақсимлаб ўтказиш

Чет эл инвестициялари иштирокида янги ташкил этиладиган корхоналарнинг асосий фаолиятдан кўрадиган зарарлари солиқ солинадиган даромади

(фойдани) зарар кўрилган ҳисобот давридан кейинги йилларга камайтириш ҳисобига узиш учун беш йилгача муддатга тенг улушлар билан тақсимлаб ўтказилади".

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **"Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"**ги 611-1-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №5-6, 93-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда) **3-моддаси:**

**тўртинчи қисмидаги** "чет эл инвестицияларига" деган сўзлар "чет эллик инвесторларга" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи ва олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

"Қуйидагиларни назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштириш ҳисобланади:

чет эллик инвесторга тўланадиган дивиденд тарзида олинадиган даромадларга солиқ микдорининг (ставкаларининг) қўлайтирилиши;

чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига ўтказиладиган даромадини (фойдасини) ўз мамлакатига қайтариш тартиб-таомилни мураккаблаштирувчи ёки уларнинг микдорини камайтирувчи қўшимча талабларнинг жорий этилиши, бундан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг тўловга қобилиятсизлиги ва банкротлиги ёки кредит берув-

чиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, чет эллик инвестор — жисмоний шахс содир этган жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолларида ёхуд суд ёки ҳакамликнинг ҳал қилув қарорига мувофиқ маблағларни ўз мамлакатига қайтаришни тўхтатиб туришнинг бошқа зарурати бўлганда ваколатли давлат органи томонидан чет эллик инвесторнинг маблағларини қонун ҳужжатларини камситмайдиган тарзда қўллаш шароитида ўз мамлакатига қайтаришни тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;

инвестициялашни амалга ошириш ҳажмларига нисбатан микдорий чеклашларнинг ва инвестициялар микдори бўйича бошқа қўшимча талабларнинг, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда чет эл инвестицияларининг энг кам микдорини кўпайтириш тарзида, жорий этилиши;

чет эллик инвесторнинг корхоналар устав фондларида (устав капиталларида) улуш билан иштирок этиши бўйича чеклашларнинг жорий этилиши;

чет эллик инвесторларнинг — жисмоний шахсларнинг визаларини расмийлаштириш ва узайтириш борасида қўшимча тартиб-таомилларнинг, шунингдек чет эл инвестицияларини амалга ошириш бўйича бошқа қўшимча талабларнинг жорий этилиши.

Ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари қонунларнинг қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади";

**Бешинчи-саккизинчи қисмлари** тегишична **еттинчи-ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 16 сентябрь

Чилонзор туманида яшовчи Б.Велмовский «Самсунг электроникс» магазинидан музлаткич сотиб олганди. Янги рўсулдаги «Самсунг» оилага қувонч келтирди. Аммо музлаткич ҳеч қачан вақт ўтмай, ишдан чиқди. Оила бошлиғи магазинга бориб, товар эгаларига вазиятни маълум қилди. Бироқ улар «эгасига етган», пули чўнтакка тушган махсулот учун бош оғритгилари келмади. Қийин аҳволда қолган харидор Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси «Ишонч телефони»га мурожаат қилди.

— Фуқаро Б.Велмовскийнинг мурожаатидан кейин дарҳол ишга киришдик, — дейди бошқарма бўлим бошлиғи Умар Ҳақимов. — «Самсунг электроникс» магазини раҳбарини жалб қилган ҳолда вазият ўрганилди. Тегишли тушунтиришлардан кейин улар товарни дарҳол қайтариб олиб, харидорнинг пулини ўзига қайтарди.

Янгийўллик И.Элмуродов ҳам пойтах-

тимиздаги «Элдордо» дўконидан уяли телефон аппарати сотиб олиб шу ҳолга тушганди. У ҳам бошқарма «Ишонч телефони» орқали муаммосини осон ҳал қилди.

Дарҳақиқат, қонунларни, ўз ҳуқуқларини билган кишилар ҳеч қачон панд

алмаштириб олишга, бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақли. «Товарда кафолат мuddатида топилган нуқсонларни сотувчи истеъмолчи тегишли талаб қўйган пайтдан эътиборан 20 кун ичида, ишлаб чиқарувчи эса 10 кун ичида бепул бартараф этиши лозим», деб аниқ белгилаб қўйилган.

Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ходимлари мазкур қонун ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза этишга қаратилган бошқа ҳужжатларга таяниб, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни қатъий йўлга қўйган. Бошқармада ташкил этилган махсус «Ишонч телефони»га мурожаат қилган юзлаб истеъмолчилар ўзлари дуч келган муаммоларни ижобий ҳал этмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА мухбири

## ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Инсон кундалик эҳтиёжлар юзасидан кўпинча сотувчи билан юзмаюз келади. Лекин қилаётган хариди ҳар доим ҳам кўнгилдагидек бўлавермайди. Чунки харидорнинг кўзини шамғалат қилиб, сифатсиз махсулотни «қўлтиқлатиб» юборадиган «уддабурон» сотувчилар ҳам, баъзи хусусий тижоратчилар тadbиркорликнинг маъносини фақат пул топиш деб тушунаётганликлари туфайли азият чекаётган харидорлар ҳам, афсуски, учраб туради.

емайди. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун бу борада бизни ҳимоя қилади. Унда «Истеъмолчи мақбул сифатли ноозиқ-овқат товарни харид қилган кундан эътиборан ўн кун ичида ушбу сотиб олинган жойдаги сотувчидан уни айна шундай товарга

қатъий йўлга қўйган. Бошқармада ташкил этилган махсус «Ишонч телефони»га мурожаат қилган юзлаб истеъмолчилар ўзлари дуч келган муаммоларни ижобий ҳал этмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА мухбири

## СИФАТИ БИЛАН ЭЪТИБОРАНИ

Республикамиз пойтахтида фаолият кўрсатаётган «Файз-Текстил» корхонаси ўзининг модел-либослари билан харидорларга бўлиб қолди. Бу ерда тайёрланаётган бежирим либослар, дизайн буюмлари ўз сифати билан кўпчилик эътиборини тортмоқда.

«Ташаббус-2005» шаҳар кўрик-танловида корхона тақдим этган буюмларнинг муносиб тақдирланиши ҳам бежиз эмас. Ушбу танловнинг «Энг яхши тadbиркор» номинациясида эса корхона раҳбари Марина Набиева иккинчи совринли ўринни қўлга киритди.

Корхона ўз фаолиятини бор йўғи 12 та тикув машинаси билан бошлаган эди. Бугунги кунда эса бу ерда Россия, Италия ва Японияда ишлаб чиқарилган тикувчилик дастгоҳларидан фойдаланилмоқда.

Азиз ВАЛИЕВ

Магнатия

## ОММАЛАШГАН ТўПЛАМЛАР

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти томонидан босмага тайёрланаётган китоблар орасида болаларга бағишланган адабиётлар кўпчиликни ташкил қилади. Лотин имлосига асосланган алифбога ўтилиши муносабати билан бу хил нашрларга бўлган талаб янада ортди.

«Алифбо байрами» деб номланган тўпلام ҳам янги ўзбек алифбосида кўп нусхада чоп этилди. Болалар адабиётининг кўзга кўринган вакилларида Турсунбой Адашбоев билан Эркин Маликовларнинг ҳамкорлигида юзага келган бу йирик тўпلام ёш китобхонлар орасида кенг оммалашди.

Нашриёт тақдим этган яна қатор бадиий тўпламлар ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Ақбар Йўлдошев


Бунёдкорлик

## ҒАЙРАТЛАРИ БЕҚИЁС

Пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмидаги улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширишда, «Чорсу» буюм ва «Эски жўва» деҳқон бозорларининг қиёфаси тубдан ўзгариб, чирой очишида «Мир Улуғбек» хусусий қурилиш фирмаси қурувчиларининг ҳам муносиб ҳиссасини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Ушбу бозорлардаги тadbиркорлар учун мўлжалланган савдо расталари, миллий либослар, полиз махсулотлари, иссиқ таомлар бозорчалари, кишлоқ хўжалик махсулотлари павильонни қурилишида жонбозлик кўрсатган фирманинг қўли гул усталари ҳозирда Сағбон қўчасида қад ростлаётган сут-гўшт махсулотлари савдо мажмуаси қурилишида ҳам фаоллик кўрсатишмоқда. «Дипонс» шўъба корхонаси буюртмаси асосида

мажмуасида гўшт, сут ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган махсулот турлари савдоси йўлга қўйилади, — дейди қурилиш фирмаси раҳбари Исмоил Отаниёзов. — Биз ушбу объектни тендер савдосида қатнашиб, ютиб олдик ва талаблар даражасида фойдаланишга топшириш учун бунёдкорларимизда тажриба етарли. Турли касб эгалари билан, яъни гишт терувчи, бе-



бунёд этилаётган ушбу 3 қаватли мажмуада сотувчи ва харидорлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилади ҳамда ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари ундаги кулликлардан баҳраманд бўлишади.

— Ўзига хос кўринишга эга бўлган замонавий савдо

тончи, тикловчи, дурадгор, бўёқчи, сувоқчи, пайвандчи ва бошқалардан ташкил топган жамоамиз аҳли қурилиш-тиклаш ишларини ниҳоялаб, ҳозирда пардозлаш юмушларини бошлаб юборишди. Айниқса, Улуғбек Раҳмонов бошчилигидаги бригада қурувчилари, шунингдек



Пўлат Нурбоев, Одамбой Отамуродов, Исмоил Норбоев, Озод Рўзматов, Ғофур Яхшибоев сингари бунёдкорларимиз алоҳида ғайрат кўрсатишмоқда.

Бунёдкорлар ушбу савдо мажмуасини яқин кунларда фойдаланишга топшириб, ҳамшаҳарларимизни ҳушуд этишни ният қилишган. Сўнгра улар «Эски жўва» деҳқон бозоридаги бош гўмбазни қайта қуриш ишларида бош пудратчи сифатида бунёдкорлик юмушларини бажаришади. Энг муҳими эса фирманинг толмас қўлли бунёдкорлари пойтахтимиз кўркини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда, Эски шаҳарни яшнаттириш ва ёшатиришга хизмат қилмоқда.

Шарифа ЙЎСЕОВА  
СУРАТЛАРДА: Ғофур Яхшибоев ва Юсупбой Машариповлар тахрибали қурувчилардан саналади; гишт терувчи Озод Рўзматов эзгу ишга бош қўлаётганидан мамнун ҳолда меҳнат қилмоқда.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

Мубоёйт

## ҲАМ ҚУЛАЙ, ҲАМ ФойДАЛИ

Болалар орасида учрайдиган хасталикларни даволашда экзонцефалограмм муолажаси ҳам қўлланилаётир. Бундай даволаш усули Тошкент шаҳар болалар маслаҳат-ташхис марказида айниқса қўл келмоқда.


Бош суякдаги ички босим муолажасини амалга оширишда ҳам экзонцефалограммдан фойдаланилаётир. Мияда ҳосил бўлган ишларни аниқлаш ва даволашда ҳам бундай муолажанинг нафи катта, албатта.

Марказнинг экзонцефалограмм кабинети замонавий тиббий техникалар билан жиҳозланганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир. Янги

олинган «Логик» компьютер қурилмаси ёрдамида эса бош мия жароҳати тез аниқланади.

Бундан ташқари муолажалар жараёнларида «Фукуда» аппаратидан ҳам фойдаланилмоқда. Уч каналли бу қурилма юрак қон томирлари тизими бўйича олиб борилаётган муолажаларда ҳам қўл келмоқда.

Ақбар АЛИЕВ



## Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Фаластин мухторияти етакчиси Маҳмуд Аббос маҳаллий телевидение орқали чиқиш қилар экан, тез орада Ғазо секторидagi тартибсизликларга барҳам берилишини ваъда қилди. Қузатувчиларнинг фикрича, Маҳмуд Аббос ўзининг ушбу чиқиши билан Ғазо секторида ўз тартибларини ўрнатишга интилаётган экстремистик кучларни оғохлантирди.

● Украина президенти Виктор Ющенко мамлакат собиқ бош вазири Юлия Тимошенкога ўзи хизмат Тимощенко суиестеъмол қилганликда айблади ва у бошчилик қилган ҳукуматни тарқатиб юборишни вазиятнинг ўзи тақозо қилганлигини таъкидлади. Виктор Ющенко «Ассошиэтед пресс» ахборот агентлигига берган интервьюсида собиқ сафдошини 1990 йилларда ўзи бошчилик қилган энергетика компаниясининг давлат олдидаги 1,5 миллиард долларли қарзларининг «унутилиши»га ҳаракат қилганликда айблади.

● Олти ҳафталик танаффусдан кейин Россия, Хитой, АҚШ, Япония, Жанубий Корея ва КХДР яна музокаралар столига ўтиришди. Йиғилиш давомида дунёнинг етакчи беш мамламати КХДРни ядро дастури борасида келишувини имзолашга қўндиришга ҳаракат қилмоқда. Бироқ йиғилиш бошланмасданок Шимолий Корея вакили Ким Ён Кван унинг мамлакатни ҳарбий мақсадларни кўзлаб атом энергияси борасидаги тadbиркорлар олиб боришдан воз кечмаслигини билдирди.

● Японияда бўлиб ўтган парламент сайловида амалдаги бош вазир Дзюньитиро Коидзуми галаба қозонди. Бу эса бош вазирга ҳеч қандай коалицияларга кирмасдан ҳукуматни шакллантириш имкониятини беради. Мамлакат оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, Коидзуми бошчилигидаги Либерал-демократик партия парламентда кўпчиликни ташкил этиш учун зарур бўлган овозлар миқдоридан 50 та кўп овоз олган.

● Бундан икки йил олдин Россия Ҳарбий денгиз флотининг 12 нафар аскари Нигерияда қўлга олинганди. Уларни нефть контрабандаси билан шугулланганликда айблаганди. Қуни чека 12 нафар россиялик аскар гаров эвазига озодликка чиқарилди. Аслида уларни озод қилиш тўғрисидаги қарор жорий йилнинг 4 август куни қабул қилинганди.

● Покистон шимолий худудидagi ҳарбий қисм қўмондони генерал Сафдар Хусайнинг маълум қилишича, «Ал-Қоида»нинг Шимолий Вазиристонда жойлашган қулчирга қақшатиш зарба берилди. Шу билан бирга мазкур халқаро террорчи гуруҳга тегишли қурол-яроғ омбори ҳам қўлга киритилди.

## БОЛАЛАР СОҒЛОМ ЎСИШИ УЧУН

Ўсиб келаётган авлод, унинг баркамол ривожланиши ва саломатлиги тўғрисида ҳамхўрлик мамлакатимида давлат сийсатига айланган. Ота-она меҳридан махрум ва ногирон болалар алоҳида диққат марказида. Уларни тарбиялаш, ўқитиш, сифатли тиббий хизматлар билан таъминлашга қаратилган хайрли ишларда жамоат ташкилотлари ҳам иштирок этмоқда.

«Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармасининг фаолияти бунга ёрқин мисол ҳисобланади. У қатор давлат дастурларини баҳаришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Жамғарманинг ўз лойиҳалари ҳам амалга оширилмоқда. Бунда жамғармага ҳам мамлакатимиз, ҳам хорижий ташкилотлар ёрдам бермоқда. Энди унинг ҳамкорлари сони яна кўпайди. Улар қаторига яқинда Германияда ташкил этилган «Уртоқ — болаларга ёрдам» халқаро хайрия ташкилоти қўшилди. Ташкилотнинг вазифаларига МДХ ва Шарқий Европа мамлакатларига алоҳида эҳтиёжлари бор болаларни соғломлаштиришда қўллашнинг кирди. Уларнинг асосида бу мамлакатларнинг ноҳукумат ташкилотларига тиббий ускуналар ва дори-дармонлар тақдим этмоқда ва улар ихтисослашган муассасаларга ҳамда бевосита ногирон болаларнинг оилаларига тарқатилмоқда.

Бир неча кун давомида ташкилот директори Диетер Киндерман бошчилигидаги маъруза ташкилот делегацияси ўзбекистонда бўлди. Ташрифдан мақсад болалар манфаатларини ҳимоя қилувчи тузилмалар иши билан

танишиш бўлди. Делегация Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйлари, махсус интернатлар, болалар тиббий муассасаларида бўлди. Тошкент педиатрия тиббиёт институтига ҳам ташрифт буюрди. Бу ерда бўлиб ўтган учрашувида институт клиникасининг етакчи профессорлари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси мутахассислари иштирок этди.

Учрашувда ТошПТИ ректори А.Олимов бугунги кунда маъруза институт болаларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ва педиатрия учун кадрлар тайёрлаш бўйича ўзбекистонда бош муассаса эканлигини айтиб ўтди. Шифокорлар ўз ишланмалари ва бошқа мамлакатлардаги ҳамкасбларнинг илгор услублари асосида болалар касалликларини даволаш амалиётини мунтазам такомиллаштириб бормоқда. Шу мақсадда Корея Республикаси, Буюк Британия, Туркия, АҚШ таълим ва даволаш муассасалари билан алоқалар ўрнатилган.

Германия соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари билан ҳам доимий алоқалар йўлга қўйилган. Жумладан, улар билан биргаликда 500 минг евро миқ-

доридеги ТАСИС-ТЕМПУС гранти бўйича «Соғлиқни сақлашда менежмент» деб аталган уч йиллик лойиҳа амалга оширилмоқда. Унинг доирасида ТошПТИ шифокорлари Германия шифохоналарида амалиёт ўтамоқда, халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда педиатрияда бошқарув ва таълимни ислоҳ қилиш бўйича тошкентлик тиббиётчилар учун тренинглار ўтказилмоқда.

— Ўзбекистонда педиатрия юқори даражада эканлиги ва бу давлат томонидан яқин борилаётган катта ишлар натижаси бўлганига амин бўлиш, — деди Д.Киндерман. — Мутахассислар билан учрашувлар давомида ташкилотимиз ёрдам бериши мумкин бўлган асосий соҳаларни аниқладик. Ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.

У Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжи бор болалар ўз вақтида ва сифатли тиббий ёрдам олиши ва соғломлаштириш учун қўрилаётган чора-тадбирларга қўллашга деган умиддан.

**А. ИВАНОВА,**  
**ЎЗА МУХБИРИ**

## Машина

## ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Мана янги ўқув йили ҳам бошланиб кетди. Ёзги таътил вақтини бехуда ўтказмаган ўқувчи ўқувчилар янги куч-гайрат билан таълим-тарбия масканларида ўз фаолиятларини бошлаб юбордилар. Сирасини айтганда, 2004-2005 ўқув йили устоз-мураббийлар учун янгиликларга бой йил бўлди. Чунки давлатимиз томонидан таълим муассасаларини қайта таъмирлаш ва ўқитувчи-мураббийларнинг моддий аҳолини яхшилашга катта эътибор қаратилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 335-сонли қарори чиққандан сўнг эса ўқитувчиларнинг иш фаолияти янада жонланди, таълимнинг мазмун ва сифати ошди. Яқинда Шайхонтоҳур туманидаги 41-мактабда бўлиб ўтган «Она тили ва адабиёт таълимида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқий фаолиятини ривожлантириш» мавзусидаги семинар-тренингда ҳам айнан юқоридаги фикр-мулоҳазалар таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда сўз олган 102-мактаб ўқитувчиси Э.Назарова, 169-мактаб ўқитувчиси С.Назарова, 41-мактаб директори Г.Музафарова, 137-мактаб ўқитувчиси Ф.Икромовалар туман миқёсида бу борада эришилаётган муваффақиятлар, мавжуд муаммолар ҳақида фикр юритдилар.

Хусусан фан олимпиадаларида фахрли ўринлар 34,324, 40,42-мактаб ўқувчилари томонидан эгаллаб келинаётгани фохр билан тилга олинди, текширув чоғида кўпчилик раҳбарликнинг жиҳатидан 137,262,324,141-мактабларда катталиклар аниқланиб тегишли йўл-йўриқ берилгани ҳақида таъкидлаб ўтилди.

Айниқса, тарихий ва замонавий мавзулардаги ўзбек романичилиги, қўсанавислигига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган академик ёзувчи Ойбек домла таваллудининг 100 йиллиги тўғрисида 115-мактабда чиройли тарзда нишонланди. Таълим масканининг илмга чанқоқ ўқувчилари серқирра адабнинг ижодий меросидан баҳраманд бўлишди. ХХ аср ўзбек адабиётининг яна бир мўътабар намоначиси, латофатли шоира — Зулфияхоним номи билан аталадиган кўркак-танловнинг туман босқичи баҳслари кўпчиликини хушнуд этди. Танловларда ўз

истеъдод ва қобилиятларини намойиш этган 102, 137, 40, 324, 192, 186, 82-ўрта умумтаълим мактабларининг ўқувчилари фаол иштирок этдилар.

Ютуқлар ҳар қандай кишида ғурур, фахр туйғуларини уйғотиши мумкин. Аммо муваффақиятлар билан бир қаторда муаммолар ҳам мавжудлиги кўз юмиб бўлмайдиган ҳақиқат. Бу хусусида семинар-тренинг доирасида бир қанча мулоҳазалар ўртага ташланди. Гап шундаки, ҳозирги кунда она тили таълимида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ фаолиятини адабий тил меъёрлари даражасида ривожлантириб бориш, услубий саводхонлик ва матн яратиш масъулиятини қўчайтириш, педагогиканинг таълим-тарбия бирлиги тамойилни изчил амалга оширишда фанлараро узвийликка эришиш, ўқувчиларнинг сўз санъатига бўлган қизиқишларини тарбиялаш ва машқ дастурларининг юритилишида эътибордан четда қолмаётган камчиликларни алоҳида назорат олиш сингари масалаларни ижобий ҳал этиш лозим.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

## Қўрғазмалар

## РАНГТАСВИРДА АКС ЭТАР ОЛАМ

Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий қўрғазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор, таниқли рассом Малик Набиевнинг шахсий қўрғазмаси бўлиб ўтмоқда.

Рассом яратган асарларида халқимизнинг навқирон авлоди — болалар, ёшлар, ўсмирлар, шунингдек кексалар ҳаёти акс этган. Уларнинг негизда одамийлик, одоб-ахлоқ, меҳнат сурурини намойиш қилиш нияти ётади. Шунингдек, мусавир она-юртимизнинг гўзал манзараларини, сўлим кишлоқларини, кўн-кўк муссофиро осмонларини, захмат-каш бободехонни, Ой, Қўёш, юлдузларни шундай бир маҳорат ила гўзаллик бахш этиб яратадиги беҳабтиёр уйга толмай, завққа тўлмай қолмайсан. Унинг ҳар бир чизган чизиларидан тортиб рангларигача ёқимли ва нафис қилиш ишланган.

Малик Набиев асли тошкентлик. У Тошкент Бадий билим юртини муваффақиятли тамомлаб талабаларга сабоқ беришдан илк фаолиятини бошлаган ва шу билан бирга Низомиёми номидаги Тош-



кент Давлат педагогика университетининг бадий графика факультетида сирдан таълим олади.

1963-1988 йилларда магистр ва қаламтаъбир кафедраси мудири сифатида ҳам самарали меҳнат қилди.

Мураббий, мусавир Малик Набиев асарларининг сони миңдан ортук. Асарларининг аксарияти тарбиявий аҳамиятга эга. Мавзу моҳияти мактаб, ўқув юртининг тарих, адабиёт, тиббиёт, табиат, астрономия, одам анатомияси каби фанлари билан боғлиқ бўлиб, ёшларнинг илм олишига қўлмак беради. Шу сабабли кўпгина дарсликларда мусавир асарларининг фоторепродукциялари, сурат-лавҳалари учрайди.

У яратган асарлардан буюк аллома-

ларимиз «Ал-Беруний», «Ал-Хоразмий», «Абу Али ибн Сино», «Ар-Розий», «Улғубек», «Бобур», «Мирзо Улугбек» портретлари, «Спитамен кўзғолони», «Мукана кўзғолони» картиналари ва бошқа кўпга етук асарларини санаб ўтиш мумкин. Шунингдек устоз рассом бир қанча ўқув дарсликларини ҳам чоп эттирган.

Малик Набиевнинг шахсий қўрғазмаси Ўзбекистон Бадий академиясининг қўрғазмалар залида 22 сентябрьгача бўлиб ўтади.

**Гулчехра ДУРДИЕВА**  
**СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиевнинг шахсий қўрғазмасидан ўрин олган асарлар. Владимир Гранкин олган суратлар.**

## Мулоҳаза, мунозара КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР НАЗОРАТСИЗ ТЎХТАШ ЖОЙИ

Яқинда дўстлар билан наҳорга ошга машинада «Истиклол» ошхонасига бордик. Кўчанинг нариги тарафидан жой топиб аранг машинамизни текиштирдик.

— Пуллик тўхташ жойи тинч эдида, бехавотир ошга кириб чиқардик. Афсуски бу ерда шунақа жой йўқда, ҳар қалай қаровисиз ерда машинани қолдириш хавфли, — деди дўстларимиздан бири машина қўйган жойдан кўнгли тўлмай.

— Ҳа, энди шунақа жой бўлмаса нима қиламиз. Ҳаммаганинг машинаси турибдику, бизники ҳам турар, — деди яна бир дўстимиз.

Ошга кириб чиқдик. Машина эгаси бўлган биродаримизнинг гапи ҳақ экан. Машинамизнинг ён томон ойначасини кимдир суғуриб олиб кетибди. Сўраб-суриштириб турсак бир йигит ёнимизга қелиб:

— Кетаяписизларми? — деб сўраб қолди. Тасдиқ ишорасини билдирган эдик у тўстатдан:

— Ундай бўлса жой ҳақини тўлаб кетинглар, — деб биздан пул талаб қилди.

Эйтироз билдирдик.

— Қанақа бу назоратсиз тўхташ жойики, машина ойнасини биров олиб кетса ҳеч-қим жавоб бермасою, тўхташ учун пул талаб қилсанглар?

Шунда боғия йигит:

— Биз машина назорати учун кафолат бермаймиз. Тўхташ жойи учун ҳақ оламиз, холос, — дейди жилмайиб.

Ади-бади айтишиб ўтиришни эп топмай:

— Яхши, бўлмаса талон ёзиб беринг, — десак, йигит:

— Бизда талон бўлмайди. Бу хусусий тўхташ жойи, — деди ўдағайлаб.

Тавба, энди бу қанақаси бўлди? Ҳеч қандай жавобгарликсиз хусусий тўхташ жойи-я. Сиз шунақасини эшитганмисиз? Ахир бундай «тадбиркорлар» устидан назорат қилувчилар борми ўзи?

**Кобил ИСОКОВ**

## УВОЛИ КИМНИ ТУТАДИ?

Нон азиз деймиз, дунёда ҳеч бир ризқ-рўз унинг ўрнини босолмайди деймиз. Лекин мана шу табарруқ насибамизни ҳаммиса ҳам эъозлаймизми, ундан тежаб-тергаб, меъёрида фойдаланамизми?

Яқинда бир маросимда бўлиб, ўртадаги ҳисобсиз нон бўлақларини кўриб ачиниб кетдим. 300 ўринга эзилган дастурхоннинг қай томонига қараманг нон ва унинг бўлақлари. Безатилган столда шунақа нон туриб ўртадаги ҳассақаллар, «иссигидан ушатишлар» деб келган одам борки, олдида уч хил — жиззали, гўшти, ширмойи нонларни қўйиб кетишяпти. Кимлар бу нонларни ушатяпти, кимлар шундайлигича қолдирапти.

Стул устидаги ноз-неъматларнинг орасида ҳам истаганча нон маҳсулотларини топиш мумкин. Пирашки, варақи, чучувар яна турли пиширилган. Бунинг устига ҳар бир кишига биттадан иссиқ сомса тортиляпти. Кетма-кет олдингизга лағанда ҳовури чиқиб турган ош келтирилмоқда. Усти тўла гўшт, ёғ, қаз. Базиллар тўқчилик эсимда шундай қилиш керакда деб ўйлашар. Бизнингча бу мутлақ нотўғри фикр. Ўзингиз айтинг, бу ушатиб бурдаланган нонларнинг тақдирини нима бўлади? Уларнинг уволи кимни тутайди? Савоб оламан деб отасининг маросимини ўтказмаётган уй эгаларининг ёни олдида шунақа бўлақланган нон туриб, пала-партишлик билан иссигидан ушатаётганларини? Шу ҳақда бир йўлаб кўрсак яхши бўларди.

**Раҳим КАРИМОВ**

## ЙЎЛОВЧИЛАР РАНЖИМАСИН

Эрта тондан тоза-озода кўчалардан ўтсанг дилинг яйрайди, аксинча бўлса-чи, кўнглинг гашланди. Одамларнинг мана шу ҳолатидан келиб чиқиб сахарлаб то йўловчилар ишга отлангунча кўчаларни супуриб сидириб, орасталаб қўйиш озодгагарчилик посбонлари, яъни фаррошлар зимасига юкланган. Улар имкон қадар ўзларига топирилган вазифани бажариб туришибди. Уйқудан безовта бўлсаларда тонг ёришиши билан иш жойларига шошилишди.

Лекин ҳамма фаррошлар ҳам ўзларига бириктирилган кўча ва майдонларни вақтида тозалаш, йўловчилар пойқадимига орасталаб қўйишди, деб бўлмайди. Бундай дейишмизнинг боиси бор. Сабаби, баъзи кўчаларда одамлар ишга шошилаётган дамларда уларни таварак-атрофни тўзиш-чангитиб, супуриб сидиришаётган ҳолларда кўрамини. Бундай серкатнов пайтларда иш бошлаш биринчидан уларнинг ўзларига нуқолай. Чунки кўчалар гавжумлашганда серкатнов жойларни супуриб-сидиришга қийналишди. Иккинчидан, бу ҳолат йўловчиларнинг асабини бузади. Улар чанг-тўзон оралиб йўловчиларни босиб ўтишга мажбур бўлишди. Айниқса йўловчилар бироз бўлсада ўтириб ҳордиқ чиқарадиган хёёбон ва майдонларнинг кечикиш супурилиши кечирилмас ҳолдир.

Эрта тондан одамлар йўлга қиқишга улгурмай кўчаларни, ховли-жойларни супуриб, сув селип орасталаш бизга қадимдан қолган одат. Ҳар қалай, бу ибратли аънанани унутмаганимиз маъқул. Саҳардан бошлаб йўловчиларга яхши кайфият улашганга не етсин.

**Халил КАРИМОВ**



## ЭКСПОРТ САЛОҲЯТИНИ ОШИРАДИ

Тошкентдаги Бизнес-марказда TUV Academy халқаро тренинг компанияси қoшидаги «Сифат бўйича менежер» клуби ташаббуси билан бошқарув маслаҳат тизими орқали мамлакатимиз корхоналарининг экспорт салоҳиятини юксалтириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Мазкур тадбирда республикамизнинг қирққа яқин корхонаси вакиллари иштирок этишди. TUV Academy компанияси мутахассиси Риад Иброҳимовнинг маълум қилишича, ISO-9001 стандарти бўйича сертификатлаштирилган орган ҳисобланадиган «Global Consulting» қўшма корхонаси, «Sifat Consulting» масъулияти чекланган жамияти ва «Management Consulting» билан бирга ўтказилган жорий йилдаги учинчи семинар ҳисобланади.

Хозирги кунда экспорт имкониятини таъминлайдиган сифат менежмент сертификати мамлакатимиздаги элликта корхонага берилган. Фарғона нефтни қайта иш-

лаш заводи, Олмалиқ тоғ-металлургия компанияси ва TUV компанияси томонидан сертификатлаштирилган бошқа корхоналар шулар жумласидандир.

Мазкур компания ташаббуси билан 2005 йилнинг мартада ташкил этилган ихтисослаштирилган клуб жаҳон стандартлари асосида фаолият юритаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар доирасини кенгайтиришга кўмак беради.

Клуб доирасида хорижий экспертларни жалб этган ҳолда сифат бўйича менежерлар учун ўқув ташкил этилди, бизнес-ғоя ишланмалари, сифат учун муқофот таъсис этиш бўйича истиқболли лойиҳалар кўриб

чиқилди.

— Бунда бошқарув қарорларини қабул қилувчи ҳар бир корхона раҳбарининг аниқ позицияси катта аҳамият касб этади, — деб кайд этди Р.Иброҳимов. — Шу тўғрисида ҳам охириги семинарда корхона раҳбарларини ўқитишга алоҳида эътибор берилди.

Ишлаб чиқаришни модернизациялашга тартибли ёндоқиш ва клуб ишида мунтазам иштирок этиш жорий йилнинг сентябрида Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки Тошкент шаҳар бош бошқармасининг сертификация аудитидан муваффақиятли ўтиб, ISO-9001 стандартига мувофиқлиги сертификатини кўлга киритишига омил бўлди.

TUV — назоратчиларнинг техник уюшмаси — 1868 йилда Германияда ишлаб чиқаришни назорат қилиш органи сифатида иш бошлади. Хозирги пайтда мазкур компания жаҳондаги учта йирик халқаро сертификатлаштириш ташкилоти учлигига кирган бўлиб, қирқта мамлакатда аккредитация қилинган.

«Туркистон-пресс»

Шарқ дурдоналари

03-03 УЎТАНИЎ  
Домо бўлур...

● Қалби пок ота — пок авлод асосчисидир.

● Отанинг ўз уйига ғам-хўрлиги дехқоннинг ўз ерига ишлов бергани кабилдир. Ерга қанча кўп ишлов берилса — ҳосил шунча кўп бўлади.

● Илму тавозе камтарлик билан вужудга келади.

● Отадаги фазилат унинг фарзандини элга машҳур эта олмайди, боладаги фазилат эса отага шухрат келтиради.

● Яхши либос ҳусни оширса ҳам, ақлга зийнат бермайди.

● Ҳаёт: доно, иродали ва кучли кишиларга жаннат, худбин, кўрок ва умдсиз кишига жаҳаннамдир.

● Бир донишманд дебди: — Сопол жоминг бутунлиги чертиб билинганидек, одамга ҳам гапирган гапига қараб баҳо берилади.

● Ҳаёт дарсини ўқиб, олим бўлганда ҳам, яна бошқа билмаганларини сўраб ўрганиш донишмандлик белгисидир. Бу хусусда бир олим шундай деган экан:

— Менинг билимим мукамал эмас, чунки ўз вақтида ўзимдан бир поғона паст одамларга савол беришга бўйим ёр бермади. Эндилликда истардимки, менинг шогирдларим барча ноаниқ масалалар бўйича ўзларидан бир поғона паст одамларга мувожаат этишни айб деб билишмасин. Уларнинг билимлари ўшандагина мукамал бўлади.

Байт:  
Кимки ўрганишни  
уйат-ор демас,  
Сувдан дур  
топади, тошдан лаъл-  
олмос.

● Жалолиддин Румий айтиди:

— Кумушнинг ташки қўриниши оппоқ бўлса ҳам кўлда ва чўнтакда кўп тутилса, қора юктиради. Шунга ўхшаш баъзи одамларнинг сўзлари зоҳирада кумуш каби порлоқ ва тоза қўринса ҳам, лекин қайғу ва зарар келтиради. Уларнинг сўзларига ишониб гафлатда қолган соддадил одамнинг кўнгли қораланади, тубанлашади. Қўринишда гўзал, ҳақиқатда ёмонлик мисоли бўлган одамларнинг сўзларига қараманг, жамиятга қилган таъсирларига, ярамас ҳулқларининг қўрқинчли натижаларига қаранг, кичкинтой ёш бола чўғ-ўтни севади, куйдирса додлаб йиғлайди. Кичкинтойлар чўғдан, соддадил одамлар эса хийлакор, найрангбоз, мунофиқлардан қуядилар.

Байт:  
Яхшилардан  
кўрасан меҳр-вафо,  
Сенга етказгай  
мунофиқ кўп жафо.

Юртбошимиз ташаббуслари билан 2005 йил Сихат-саломатлик йили деб эълон қилиниб, навбатдаги долларб вазибаларни амалга ошириш бўйича Фармон қабул қилинди. Унинг асосида саломатлик дастури ишлаб чиқирилиб, ҳозирги кунда ҳаётимизнинг ҳамма жаҳаларидан амалий ифодасини топмоқда. Инсон саломатлиги давлат сиёсати даражасидаги вазифага айланмоқда. Чунки инсон учун ҳаво, сув, қуёшдек энг зарур нарса сихат-саломатликдир. Инсон дунёга яшаш учун келади. Ўз орзу-истакларини амалга ошириш, ҳаёт ва турмуш неъматларидан баҳраманд бўлиш, жамиятда ўз ўрнини топиб, фаолият кўрсатиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ҳамда фарзандлар камолотини, бахт-саодатини кўриш, хуллас эзгулик ва яхшиликлардан баҳраманд бўлишга интилиб яшайди. Бу мақсадларга эришиш учун энг муҳим омил саломатликдир. Шунинг учун ҳам халқимиз «Саломатлик — туман бойлик», «Саломатлик — юксак бахт, яшаш мезони, орзу-истакларни амалга оширишнинг олий манбаи (ўзаги)» дейди. Буюк аллома Мирзо Абдуқодир Бедил шундай деган экан: «Инсон ҳаётида энг муҳим мезон жисмоний кучдир. Инсон тану-сихатлиги мавжуд бўлсагина камолот йўлидан бора олади. Яъни тани-сихат кишигина ҳаёт ва умр маъносидан баҳраманд бўла олади. Жисмоний куч инсон ҳаётида ақлий ва маънавий куч билан уйғунлашсагина инсон мукамаллик, комилликка эриша олади».

Бинобарин, ҳар бир инсон жисмоний соғлом бўлиши учун ақлий куч, яъни саломатлигини ақларосат ила англаган ҳолда мустаҳкамлаши, ўз сихати устида қайғуриши, ўзининг қадрига етиши, саломатлигига алоҳида аҳамият бериши лозим. Чунки давлатимиз соғлиқни сақлаш, фуқаролар саломатлиги соҳасида саломатлиги, катта нуфузга эга ишларни амалга оширмоқда. Аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, фуқаролар яшаш муҳитини соғломлаштириш, касал-

ликларнинг олдини олиш, даволаб, дарддан фориғ қилиш ишларини амалга ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасининг асосий вази-фасига айланган. Бу борада замонавий техника ва технология, даволашнинг янги услуб, воситаларидан, халқ табобатининг бой анъаналари, олим ва мутахассисларнинг заковату тажриба ва салоҳиятидан кенг фойдаланмоқдалар. Оналар ва болалар саломатлигини асраш, ногиронларга ҳар томонлама кўмаклашиш ишлари кенг авж олмоқда. Спорт ишларини аҳолининг ҳамма қатламида кенг жорий қилиш чора-тадбирлари амалиётда ўз ижобатини топмоқда.

Халқ саломатлиги, тану сихатлиги ҳозирги кун-

«Дардни яширса иситмаси ошқора қилади» деган. Ҳар бир дарднинг олдини олиш ўзимизга боғлиқ. Хаттоки бурчимиз десак хато бўлмайди. Шунинг учун ҳар биримиз сихат-саломатлик йилининг мақсад, моҳиятини, вази-фасини чуқур англаб, ўз сихатимизга эътибор беришимиз, саломатлик ҳаёт учун энг зарур ва муҳим омил эканлигини тушуноғимиз ва унинг қадрига етишимиз лозим. Бунинг учун тиббий саводхонликни ривожлантириш, маънавий-маърифий, тарғибот ишларини кенг йўлга қўйишимиз, жамоатчилик кучидан, шифокорлар фаоли-гидан кенг фойдаланишимиз зарур.

Саломатликни кўриқ-

2005 — Сихат-саломатлик йили

## САЛОМАТЛИК ВА САВОДХОНЛИК

Миллат ва халқ соғлом бўлган давлат ёки юрт буюк ишларга қодир бўлади, — дейди Юртбошимиз. Чунки буюк ишларни амалга оширувчи энг олий куч инсон, унинг меҳнати, фаолияти ва шижоатидир. Мустақилликнинг энг муҳим ва доимо давлат эътиборида турган вазибаларидан бири халқнинг, ҳар бир юртимиз фуқаросининг сихат-саломатлигидир.

нинг долларб вазифа ва мақсадларига айланмоқда. Демак ҳар бир юртимиз фуқаросининг энг муҳим вазифаси саломатли-нинг қадрига етиши, унинг зарурий жараён эканлигини чуқур англаш, ўз саломатлиги мазмун-моҳияти, шахсий ва ижтимоий аҳамиятини тушуниш, тиббий маданиятни эгаллашдан иборатдир. Чунки давлат, жамоатчилик, мутасадди ташкилот, шифокорлар қанча ҳаракат қилмасин ҳар бир шахс саломатлик моҳиятини англаб етмаса, ўз вақтида эътибор бермаса, ўзини турли касаллик, дардлардан эҳтиёт қилмаса, белгиланган мақсадларга эришиш мушкул. Шу ўринда бир ҳолатни (кўпроқ миллатимиз вакилларига хос), яъни бетоблик бошланиб, дард ривожланса ҳам бепарволик билан ёндоқиш бошқалардан андиша қилиб (қайнона, қайнота ёки фарзандлардан сир тутиб) шифокорларга муурожаат қилмаслик турли касалликларга чалиниб, дардкак бўлиб қолишга сабаб бўлади ва бўлмоқда. Халқимизда жуда чуқур маънога эга нақл бо-

ларидан бири Президентимиз айтганларидек, муносабат маданиятини кишилар ўртасида ривожлантириш ҳам катта аҳамият касб этади, демак ахлоқий-маънавий муносабатларни мустаҳкамлашга эътибор бериш муҳим вазибалардан бири бўлиб, бу ишни амалга оширишда таълим-тарбия ва маърифий диний қадриятлардан, аждоқлар ўғити, тажрибалар ва боқий қадрият, урф-одатлардан кенг фойдаланиш давр талабидир. Табиийки, инсоннинг умр сармоса, яъни ҳаёти шу қадар қисқаки, у кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Шу қисқа даврда инсон бошқалар билан турли мулоқот, муносабатда бўлади. Иззат-иқром, қадр-қиммат, эътиборга эришади. Бир-бирини асраб-авайлашга одатланади. Қувончга ҳамдам, қайғусига ҳамдард, кўмақдош бўлади. Зероки соғлом муносабат, соғлом муҳит ва соғлом турмуш тарзини яратишга ҳисса қўшади. Инсон ҳаётининг соғломлиги юрт, миллат, оила, маҳалла соғломли-гига асос бўлиб хизмат қилади.

Муносабат маданиятининг энг муҳим жиҳатларидан бири — кишилар оқсоғишга, тинч-тотув, аҳил, хотиржам, яъни сихат-саломат яшашига хизмат қилади. Аммо ҳаёт ва кишилар ўртасидаги муносабатларда салбий ҳолатларга ҳам дуч келамиз. Оилада, маҳаллада ёки жамоатчилик жойларида киши кўнглига озор берувчи, инсон кайфиятига таъсир қилувчи, одам асабини бузувчи қўпол, ҳоҳирин, дағал, хаттоки ҳақоратона муносабатларни кўриб, бу ҳолат саломатликка қони зарар эканлигини англамас инсонларга шундай дегинг келади. Инсон олий қадрият, ҳамма ҳам сен билан тенг, одамзот дилига озор бериш ички ахлоқий маданиятнинг йўқлиги, инсонларни ҳурмат қилмаслик, яъни манманлик, худбинлик ёки безориликку. Ахир ҳар бир киши яхши билади: одам дилини жароҳатлаш мумкин, аммо уни даволаш қийинку. Бирор дардни жароҳатлик йўли билан даволаш мумкин, аммо дилга озор бериш, асаб ва кайфиятни бузиш саломатликка отилган ўқ кабилдир.

Биз фуқаролик эркин демократик жамият сари бемор эканмиз, ҳар бири-миз шу миллат, юрт, жамият вакили сифатида энг аввало саломат бўлишимиз, бир-биримизни эъзолаб асраб-авайлаб, эркин ва озод ҳаёт нашидаларидан баҳраманд бўлишимиз ва бошқаларга ҳам бунинг насиб этишида ҳамдам, кўмақдош бўлишимиз лозим. Аввало ҳар бири-миз ўз саломатлигимиз устида ўзимиз қайғуришимиз, қадр-қиммат, меҳр-оқибат, ғамхўрлик олижаноблик сингари хислатларни ҳар кунги, ҳар ишда, ҳар муносабатда намоён этишга одатланишимиз давр талаби, сихат-саломатлик йилининг мақсади эканлигини доимо қалбимиз кўрида, хатти-ҳаракати-мизда сайқаллаштириб боришимиз ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз-дир.

Хотиما ШАЙХОВА,  
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби, профессор.

## ГЕНДЕР РИВОЖИ УЧУН ГРАНТЛАР

Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) Ўзбекистонда гендер ривожига йўналтирилган учта грант лойиҳасини тасдиқлади. ОТБнинг Тошкентдаги ваколатхонаси вакилларининг «Туркистон-пресс»га берган маълумотларига кўра, жами ҳажми этиши беш минг долларга тенг бўлган мазкур грант лойиҳалари гендер ва тараққиёт механизми салоҳиятини янада кучайтириш, қишлоқ жойларида яшайдиган аҳоли ўртасида кредит уюшмалари кўрсатаётган хизматлар ошқоралигини таъминлаш ҳамда Минг йиллик мақсадларига эришиш учун мамлакатимизнинг ривожланишига ёрдам беради.

ОТБнинг Тошкентдаги ваколатхонасида Грант битимларини имзолаш маросими ўтказилди. Битимларни мазкур банкнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Шон О'Салливан ҳамда икки нодавлат, нотижорат ташкилот - Фукарлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш марказининг раҳбари Диловар Қобулов ва Бухоро вилояти ишбилармон аёл уюшмаси раҳбари Дилбар Аҳмедовалар имзолашди.

Гендер ва ривожланиш масалалари бўйича миллий механизм салоҳиятини янада кучайтиришга йўналтирилган эллик минг доллар миқдоридаги мазкур грант лойиҳаси Ўзбекистонда хотин-қизлар нуфузини ошириш бўйича Миллий платформа ҳамда Ҳаракат режаси доирасида амалга оширилади.

Шубҳасиз бу лойиҳа, парламент аъзолари, давлат идоралари ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг гендер масаласидаги билимларининг ошишига, шунингдек, сиёсатни режалаштиришда ва қонунларни ишлаб чиқиш жараёнида гендер нуқтани назардан ёндошиш ва гендер таҳлилининг янада кучайишига кўмаклашади.

Шу жумладан лойиҳа, Омбудсман, Давлат статистика

қўмитаси ва маҳаллий ҳокимият идоралари каби миллий институтларнинг ўз дастурларида гендер масаласини ҳал этишга, Меҳнат ва Оила кодекслари воситасида хотин-қизлар ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаш учун қонун ва ислохотларни амалга оширишга, юзага келган янги гендер аъноларини таҳлил қилишга ёрдам беради.

Бухоро вилоятида кредит уюшмалари вакиллари тармоғини ташкил этиш бўйича ажратилган йигирма минг доллар миқдоридаги молиявий маблағ воситасидаги техник кўмак қишлоқ аёлларининг кредит уюшмалари фаолияти хусусидаги билимларини янада чуқурлаштирилади. Мазкур тармоқ кредит уюшмалари иши хусусидаги билимнинг янада кенгайтиришига, янги аъзоларни жалб этилишига, минни кредитлар олиш ва жамғармаларни қўлайитириш йўли билан қишлоқ жойларида ишбилармонлик ва молиявий фаолликнинг ошишига сабаб бўлади. Лойиҳа шунингдек, энди иш бошлаган ва ишлаётган тадбиркорларга ўз ишларини бошлаш ёки янада кенгайтириш, турмуш даражасини кўтариш учун эркин кредит олиш имкониятини яратди.

Бухоро вилоятида икки минг беш юздан зиёд киши ОТБнинг бундан аввалги лойиҳаси кўмаги билан ташкил этилган «Умид» етакчи кредит уюшмаси аъзоси бўлди. Уларнинг кўпчилиги аёллар бўлиб, шулардан беш юзта си фермер хўжалиқлари, кичик ва ўрта корхона раҳбарлари ҳисобланади.

Авал хабар берганимиздек, 2002 йил декабрида Ўзбекистон ҳукумати билан ОТБ ўртасида тижорат банклари ҳамда кредит уюшмалари тизими орқали кичик ва микро молиялашни ривожлантиришга йўналтирилган йигирма миллион доллар миқдоридаги битим имзоланган эди. Мазкур лойиҳа қишлоқ аҳолисини кўпроқ жалб этиш учун кредит уюшмаларига заём беришни кўзда тутди.

Беш минг доллар ҳажмидаги учинчи грант «Хотин-қизларга нисбатан барча турдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция (CEDAW)ни ҳамда Ўзбекистонда Минг йиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш ва мониторинг қилиш» лойиҳаси учун ажратилган. Мазкур лойиҳа CEDAW ва Минг йиллик мақсадлари бўйича ҳукумат, ма-

ҳаллий нодавлат, нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг қўшма ташаббуслари асосида стратегия ишлаб чиқиш учун қатор давра суҳбатларини ташкил этишни назарда тутди. Бу жараёнда гендер масаласида иш олиб бораётган турли даража ва миқталардаги ташкилотлардан танлаб олинган 240 нафар иштирокчи қатнашди.

Икки босқичдан иборат мазкур лойиҳанинг молиявий ҳажми 13 минг доллар бўлиб, биринчи босқич бошқа халқаро ташкилотларнинг гендер дастурлари томонидан, иккинчи босқич эса ОТБ томонидан молиялаштирилади.

Юқорида тилга олинган ҳар учун лойиҳа ОТБнинг Гендер ва ривожланиш фондидан ажратилади. 2003 йилда Канада, Дания ва Норвегия давлатлари маблағи ҳисобига ташкил этилган ушбу фонд ОТБнинг гендер ва ривожланиш сиёсатини амалга ошириш орқали Осиё ва Тинч океани минтақасида гендер тенглигига эришиш ҳамда хотин-қизлар ролини оширишга қаратилган.

«Туркистон-пресс» ахборот агентлиги маълумотномаси: ОТБнинг мақсади барқарор иқтисодий юқалиш, ижтимоий тараққиёт ва ҳалол бошқариш орқали Осиё ва Тинч океани минтақаси давлатларида қашшоқликни қисқартиришга йўналтирилган. 1996 йилда ташкил этилган ОТБга аъзо бўлган 63та давлатдан 43 таси минтақанинг ўзидеда жойлашган.

«Туркистон-пресс»

Бу — қизик

## ТУКЛИ АРИДАН... НАЖОТ ИСТАБ

Селигер кўли ёнидаги ўрмонларда жойлашган иккита чумоли «шаҳари» муҳофазага олинди, қўйқланидиган бўлди, деб эълон қилинди. Бу ерда уч юзта катта чумолихоналар бўлиб, улардаги миллион-миллион чумолилар ўрмон зараркунданларини кечаю-кундуз қирмоқда.

Чумоли-одамининг азалий ва содиқ дўстлари дандир. Ҳозир унга тобора эътибор билан қаралмоқда ва гамхўрлик қилинмоқда. Лекин, масалан, ўргимчакларнинг келтирадиган нафлари тўғрисида одам кам нарса билади. Қора ва сариқ чаён, қорақурт, ўргимчак бийини одам ёқтирмаслиги маълум. Айни маҳалда мутахассисларнинг аниқлашларига кўра, уларнинг заҳари медицинада зарур. Дори-дармон, вакцина ва зарбдо тайёрлашда уларнинг заҳри илонниқидан самаралироқдир. Мамлакатимизда, ҳатто ўргимчак «фермалари» бор. Бу фермаларда 16-20 мингта ҳашарот боқилади. Чаённинг заҳрини олиш учун ҳашаротлар учун хатарли бўлмаган 6 вольт кучлишили электр токдан фойдаланилади. Ток чўчи реакциясини вужудга келтиришда бу нинг натижасида чаён ўзини ҳимоя этиш учун заҳрини сочади.

Ҳозирги вақтда деҳқонлар туқли арига айниқса қизиқиш қолдилар. Улар беда ва йўнғичқанинг табиий мислизи чанглатувчи ҳашаротларни ҳисобланади. Бу ўтларда бошқа ҳашаротлар, масалан, асаларилар «ишлай олмайди», чунки уларнинг тумшуги қисқарок бўлади. Туқли ари йўқолдим, бедазор ҳосилдорлиги камайиб кетади.

Олимлар туқли ариларни кўлга ўргатиш ҳақиқатидирлар. Омск, Воронеж областлари, Новосибирск яқинидаги қўриқхоналарда бундай арилар одамлар ер остида ва ҳатто ер устида қурган уяларда яшайди. Эҳти-мол, бундай уяларни гуллаб турган бедазорларга келтириб қўйиш мумкин бўладиган кун яқиндир.

«Ташвилкооптранс» ҳиссадорлик жамиятлари ассоциацияси таъсисчилари ва «Matlubotsavdotrans» улгуржи овоз ва транспорт унитар корхонаси ишчи-хизматчиларининг 2005 йил 15 сентябрдаги 5-сонли умумий мажлиси қарорига асосан корхона негизига «Matlubotsavdotrans» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.

## Боғчалар адабийети бурчаги

### ТУШУНГАН ҚИЗ

Энди кўчага чиқсам,  
Дилбар кўришиб қолди.  
Бизниқига юргин деб  
Бирдан ялишиб қолди.  
Сўхбат қизиган пайтда  
Ойим чақириб қолди.  
Ойим бироз беморлар,  
Улар, уриниб қолди.  
Уларга кераклигим  
Жуда билиниб қолди.  
Ҳўп дея чопиб бордим,  
Сўхбат бўлиниб қолди.  
Тўғри қилдинг ўртоқ деб  
Дилбар суюниб қолди.

### ШЕРИГИ ЙЎҚ-ДА

Лайча олди,  
Ташласам суюқ.  
Емади,  
Қорин  
Тўқ бўлса керак.

— Бе, — дейди шунда  
Кичиктой Тўхта.  
Талашадиган  
Шериги йўқ-да.

### МЕҲР

Ёш бўлса ҳам улоқча,  
Тийрак, жуда ақли бор.  
Катталарга саломин  
Канда қилмайди зинҳор.  
Синган бола бошидан,  
Шу тўғру, эзгу хислат.  
Яхшилик меҳр кўзгар  
Салом орттирар ҳурмат.  
Шу одоби баҳона  
Ҳамма севади уни.  
Эркалашар жилмайиб  
Порлаб меҳр учқуни.  
Борар эди йўлда у.  
Кўриб қолди бўрини.  
Бўри шу дам улоқча  
Томон бурди йўлини.  
Одатича улоқча,  
Салом бермоқчи бўлди.  
Беихтиёр махлуқнинг  
Кўзларига тикилди.  
Хирсдай семиз турарди,  
Кўзлари совуқ ёниб,  
Биққалигин кўрди-ю,  
Секин қўйди тамшаниб.  
Аста салом берди-ю,  
Кетди, вақтим йўқ — деди.

Билди, бўри кўзида,  
Меҳр, шафқат йўқ эди.

### НИЯТ

Бола очди қурқ товуқ,  
Орзулари ушaldi.  
Полалони бир олам  
Завқиға завқ қўшолди.  
Чипор юрар дўмбillaб,  
Ўзни урар ҳар ёққа.  
Қараб туриб хаёли,  
Олиб кетар узоққа.  
Ҳақи қўллаб дуч келар,  
Яхши-ёмон кунларга.  
Йўлиқмасин илоийм  
Асло кунни шумларга.  
Кўз ўнгиде жоиланар,  
Қаттол мушук панжаси.  
Бевақт нобуд бўлмади  
Жўжааларин қанчаси.  
Яхшиларга ёндошиб  
Бўлаш оқ кўниси, танти.  
Эзгуликни улуғлар  
Доим инсоннинг марди.  
Сенга бобо хўродек  
Қомат тилайман болам.  
Қоқилмасин ҳаётда  
Омад тилайман болам.

Ҳабиб РАҲМАТ

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасида шу муносабат билан ўтган тадбирда Олий Мажлис сенати, давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар ва журналистлар иштирок этди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, одатда совуткич техникаси, ўт ўчириш, табиий ускуналарни стерилизациялаш, қишлоқ хўжалиги, нефтни қайта ишлаш заводларида катализатор сифатида ишлатиладиган хлор-фтор уяролдорлар туркумидаги кимёвий моддалар озон қатлами емирилишига сабаб бўлади. Ана шу муаммоларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинган Вена конвенцияси ва Монреаль протоколига бугунги кунда қариб 190 давлат, шу жумладан, мамлакатимиз ҳам қўшилган.

Бу борадаги ишларда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда қабул қилинган «Озон қатламининг ҳимоя қилиш соҳасидаги шартнома-

лар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Озонни бузувчи мод-

ни емирувчи моддалар ишлатилишини босқичма-босқич камайитириш, уларнинг ўрнига зарарсиз воситалар яратишни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Шу мақсадда Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси хузурида озонни емирувчи моддалар алмаштирилишини бошқариш бўйича офис ташкил этилган. Бу тузилма Глобал экологик жамғарма, ЮНЕП, БМТнинг Тараққиёт дастури ва бошқа давлат, жамоат бирлашмалари ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари ҳамкорлигида кенг қўламда иш олиб бораётди.

Тадбирда озонга безарар маҳаллий суолтирилган газдан олинган янги моддани жорий этиш, экологик таълим-тарбиянинг аҳамияти ва озон қатламининг ҳимоя қилиш бўйича халқаро мажбуриятларининг бажарилишига бағишланган маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА,  
Ўза мухбири

## ОЗОН ҚАТЛАМИ ВА ЗАМИН ТАҚДИРИ

Заминимизни қўш ультрабинафша нурларининг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган озон қатламининг емирилишидан сақлаш жаҳон ҳамжамияти диққат марказида турган долзарб экологик муаммолардан дидир. Бу борадаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, атроф-муҳитга етказилаётган салбий таъсирларни камайитириш ва экологик маданиятни юксалтириш мақсадида дунёда ҳар йили 16 сентябрь - Халқаро озон қатламининг муҳофаза қилиш кўни сифатида кенг нишонланади. БМТнинг Атроф-муҳит дастури ташаббуси билан мазкур сана ҳозир йилда «Озон қатламининг асраш одами ва олами асрашдир» шиори остида ўтапти.

даларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маъсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисидаги қарорларни муҳим дастурийлашма бўлаётди.

Халқаро мажбуриятларни бажариш, озон-

*Футбол*

**ТАКВИМДАГИ ҲАЖИРАШ**

Жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг **Ўзбекистон-Баҳрайн** терма жамоалари ўртасидаги **плей-офф** баҳси **ФИФА** қарорига кўра **8 октябрда** Тошкентда қайта ўтказилиши мўхлисларга маълум.

Шуни айтиш жоизки, миллий чемпионатнинг 20, 21-тур баҳслари октябр ойининг бошларида ўтказилиши лозим эди. Аммо терма жамоасининг баҳрайнликлар билан бўладиган жиддий учрашувга ҳозирлик кўришлари зарурлиги тўғрисида миллий чемпионат таквимида биров ўзгариш бўлди. Яъни 18-турнинг «Сўғдиёна» — «Локомотив» учрашуви 18 сентябрда, 20-турнинг «Локомотив» — «Навбахор», «Металлург» — «Машъал» баҳслари 24 сентябрда, ушбу турнинг «Шўртан» — «Нефтичи» беллашуви 25 сентябрда ўтказилади. Шунингдек, 21-турнинг «Машъал» — «Локомотив», «Насаф» — «Самарқанд-Динамо», «Металлург» — «Пахтакор» учрашувлари 29-30 сентябр кунлари бўлиб ўтади.

**ЎСМИРЛАРИМИЗ ЯПОНИЯГА БОРИШАДИ**

Айни кунларда 1990 йилда туғилган ўсмирлардан ташкил этилган **Ўзбекистон** терма жамоаси ҳам бўлгуси баҳсларга ҳар томонлама жиддий ҳозирлик кўрмоқда.

Англиялик мутахассис Боумен Десмонд бош мураббийлигида халқаро мусобақаларга тайёрланаётган **Ўзбекистон** терма жамоаси ўқув-йиғин машғулотларини ўтказиш мақсадида Японияга жўнаб кетади. Кунчиқар юрда 21-30 сентябр кунлари уюштирилладиган машғулот йиғинларида ўсмирлар терма жамоамиз япониялик тенгқурлари билан учта ўртоқлик учрашувини ўтказишадди.

**ШАРТНОМА МУДДАТИ ТУГАЙДИ**

**Ўзбекистон** терма жамоасининг моҳир ҳимоячиси, Қозоннинг «Рубин» клуби аъзоси **Андрей Фёдоров** Россия миллий чемпионатида тўп сураётганлигига олти йил бўлди.

Этиборли томони шундаки, **Андрей** нафақат терма жамоамизда, балки ўз клуби сафида ҳам етакчи футболчилардан бири ҳисобланади. Кизими, ҳали футболдан кетишни хаёлига ҳам келтирмаётган **Андрей Фёдоров**нинг «Рубин» жамоаси билан тузган шартномаси йил охирида тугайди. Келгуси йилда **Андрей** яна «Рубин» сафида тўп суради ми ёки йўқми, буни вақт кўрсатади. **(Ўз мухбиримиз)**

*Тэквондо*

**ЧЕМПИОНЛАР ЕТИШИБ ЧИҚМОҚДА**

Кейинги пайтларда шахримизда шарқ яккакурашининг тэквондо, каратэ, дзюдо каби турларининг ривожланиши, халқаро мусобақаларнинг кўплаб голиблари етишиб чиқишида жойларда заҳматкаш мураббийларнинг самарали фаолият кўрсатаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Чилонзор туманидаги 179-мактабдаги тэквондо тўғрагага ҳам болажонлар катта қизиқиш билан келиб, яккакураш сирларини ўрганмоқдалар. Зеро, 2 дан қора белбоғ соҳиби **Равшан Самин**нов қатъиятли ва талабчан, ҳар бир болага эътиборли мураббий эканлигидан тўғракака хатто Бектемир, Юнусобод туманларидан ҳам хоҳловчилар келиб қатнашишмоқда.

Иқтидорли мураббийнинг шогирдлари орасида турли мусобақаларнинг голиб

ва совриндорлари бор. Спортчи доимо янги галабалар сари интилиши, ўз устида муттасил ишлаб, маҳоратини ошириб бориши лозим. Ана шундагина ундан келгусида мустақам иродали чин инсон етишиб чиқиши мумкин. **Р.Самин**нов тарбияланувчиларининг кулотида бундай ҳикматларни доимо қуйиб боради.

**(Ўз мухбиримиз)**  
**СУРАТДА:** Республика ва шаҳар миқёсида ўтказилган мусобақалар-



нинг кўп бор голиб ва совриндорлари бўлган **Элёр Исажонов** ва **Элдор Каримов** машқ пайтида. **Алексей Попов** олган сурат.

Жумладан, бадий гимнастикага бўлган ана шундай юксак эътиборнинг самараси ўлароқ, айни пайтларда мамлакатимиз вилоятларида янги-янги истеъдод соҳиблари кашф этилмоқда. Спортнинг бадий гимнастика тури бўйича навоийликлар ўз мактабига эга. Бироқ, бу мактаб спортчиларининг барчаси вилоятнинг **Навоий**, **Зарафшон** ва **Учкудук** шаҳарларидаги бадий гимнастика клублари тарбияланувчилари бўлиб, қишлоқ туманларда эса қанчадан - қанча ёшлар яқин-яқингача уларга ҳавас билан қарашар эди. Болалар спортини ривожлантириш

**ГИМНАСТИКАЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ**

Ҳозирги кунда юртимизда аёллар спортини ривожлантириш, уларга хос бўлган гўзал ва нафис спорт турларини янада кўпайтириш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилиб, бу саъй-ҳаракатлар ўз натижаларини бермоқда.

сиёсати ушбу ёшлар орау хавасларини ҳам рўёбга чиқишига кенг йўл очди. Барча қишлоқ туманларида бадий гимнастика секциялари иш бошлаб, зарур спорт анжумлари билан таъминланди. Мураббийлар танлаб олиниб улар, **Навоий** конметал-

лургия комбинатининг марказий спорт саройида уч босқичли тайёргарликдан ўтишди. Спортнинг нафосатга йўғрилган ушбу турининг юртимизда раванг топиб бораётганлигини **Навоий**да бўлиб ўтган Республика кубоги баҳси ҳам яна бир бор тасдиқ-

лади. Уч кун мобайнида сўғдиёна гиламлари узра гўзаллик, нафосат, муסיқий дид санъати билан уйғунлашиб кетган спортнинг бу турида навоийлик **Ульяна Рафинова** энг кўп балл тўплаб спорт усталиги баҳсларида биринчи, тошкентлик **Олеся Агимбердиева**-иккинчи, унинг ҳамшаҳарлари **Комила Тўхтаева** ва **Вероника Еченова**лар учинчи ўринни эгаллашди. Спорт устаси баҳсида эса навоийлик **Анастасия Бедина**ова рақиблирига ҳеч қандай имконият қолдирмади.

**Рустам ХАЙДАРОВ**, «Туркистон-пресс»

**Инсонлар қадимдан оловдан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиб келган. Бироқ, ундан фойдаланишнинг ўз йўли, қонун-қоидаларига тўғри амал қилинасагина беҳавотир бўламиз. Олов билан ҳамнафас ҳаётимиз ўт билан доим хушёр муомалада бўлишни талаб этади.**

“01”

**ЁНГИНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ**

Шунингдек, ҳар бир уй соҳиби ва соҳибаси рўзгордаги электр асбобларидан тўғри фойдаланишлари лозим. Шуни унутмаслик керакки, электр асбобларининг ортиқча қизиб кетиш ҳолилари ҳам ёнгин содир бўлишига олиб келади. Хонадонларда ва иш жойларида электр тармоғига бир вақтнинг ўзида бир неча ток қабул қилувчи воситалар улаш жуда хавфли. Ёқиб қўйилган электр-иситич асбобларини қаровсиз қолдирмаслик керак. Ёниб турган газ плитаси устида кир қуритиш, бензинда кир ювиш ҳолатлари қучли ёнгин чиқишига сабаб бўлиб, кўнгилсиз воқеалар рўй бериши мумкин.

Табиий газни резина ичкалар орқали улаш хавфли. Айниқса тунда газни ёниқ қолдириш ярамайди. Чунки тунда газ босими ортиб бахтсиз ҳодиса содир этилиши мумкин.

Айниқса, газ ишлатишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинса ва ҳар бир фуқаро ёнгин офатининг олдини олишга эътибор берса ўз уйимизни, мол-мулкимизни ва фарзандларимизнинг ҳаётини хавф-хатардан сақлаб қолган бўлар эдик.

**Шокир ЗИЯЕВ,**  
**12-ҳарбийлашган ёнгин хавфсизлиги отряди кичик инспектори**

*Мунажжим башорати*

**МУШОҲАДА ВА БОСИҚ-ВАЗМИНЛИК КУНИ**

20 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНА

**Самодая юлдузлар жойлашиши одамларга сабр-тоқатли бўлишни, босиқ-вазминлик ва мушоҳада билан иш юритишни тақозо этади. Айни пайтда мунажжимлар бугунги кунда ўзингизни эркин қўйган ҳолда ҳеч нарсага режалаштирмай, ички туйғуларингизгагина суяниб, вазиятдан келиб чиққан ҳолда иш кўришни тавсия этишадди. Ўзингизни ҳеч ҳам ортиқча уринтирманг – ҳар қандай иш фақат завқ билан бажарилиши керак.**

Қовушмаган ишни қилманг, сиқилманг, ўзингизни эркин қўйинг ва ҳаётдан завқ олинг. Бугун никоҳдан ўтиш, никоҳ фотихаларини ўқитиш омадли бўлади. Таъмирлаш ва қурилиш ишлари билан шуғулланиш, уйлارни кўтариш, мураккаб дори-дармонларни, дамламаларни тайёрлаш самарали бўлади.

Пул-молиявий ишлар, савдо-сотик билан шуғулланмаган маъқул. Меҳмонларни таклиф этиб, кечки зиёфатлар уюштиринг, қўшиқлар айтиб, хурсандчилик қилинг. Эркаклар бугун аёлларнинг маслаҳат ва илтимосларига кулоқ туттилар, уларга ён беришлари, совға-саломлар қилишлари керак.

Мунажжим **С. Илйичёв**нинг таъбирига кўра, бугунги кун ўз истеъдодларининг ноёблигини ҳис этган кишилар учун айниқса омадли келиши кутулади. Узок давом этадиган ҳар қандай ишни бошлайвериш мумкин. Аёллар билан янги танишувлар, расомлар, ижод кишилари билан мулоқотлар учун ҳам кун муваффақиятли бўлади.

Кийим-кечаклар, санъат асарларини сотиб олиш манфаатли бўлади. Сартарошхона, гўзаллик саломига ташриф буюриш, сафарлар учун, ўсимликларни, дарахтларни кўчат қилиш ва ўтқизиш учун, чорва молларини харид қилиш учун бугунги кун қўлай келади. Ёмғирда қолиб, ивиб кетиш яхшилик аломатидир. Мабодо, соатингизни ёки зеб-зийнатларингиздан бирортасини йўқотиб қўйсангиз, ёқиглик чирогингиз тўсатдан ўчиб ҳолса – булар нохушлиқлар ва хасталиқлардан огоҳлантиришдир.

Рамзий тушлар ҳам, ҳаёт реалликларига яқин тушлар ҳам башоратли бўлади.

Томоқ ва товус пайлари заифлашган ҳолатда бўлади. Қалинроқ кийиниб юргангиз маъқул.

Кийим-кечаклардан қумушранг ва зарғалдоқранг либосларни танлашни маслаҳат берамиз. Қора ва ёрқин-яшил рангли либосларни кейинроққа суриб қўйинг.

**БУГУН:**

— бошлаб қўйган ишларингизни давом эттириш;

— ҳар қандай вазиятда босиқлик ва сермулоҳазалик билан иш юритиш;

— касбингизга оид ва шахсий муаммоларингизни биргаликда ҳал этиш йўллари топиш;

— қурилиш ташкилотлари ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ходимлари билан мулоқотда бўлиш;

— гайрат-шижоат кўрсатиб ишлаш: фаровон ҳаётингиз кўп хижатдан ўз меҳнатсеварлигингизга боғлиқ;

— ҳар қандай масалаларни ечишнинг оригинал усулини топиш;

— дағалликнинг ҳар қандай шаклларида қочиб, қўполлик ва ҳақоратларга жавоб қайтаришдан ўзингизни эҳтиёт қилиш талаб этилади.

Бошқалар тажрибасидан фойдаланишни маслаҳат бермаймиз.



**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма тибқ офсет усулида босилган.  
2496 нусхада босилди. Қўроқ биниси А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*  
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Нашрингиз етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақдаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босмахонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.